

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
“Агроинженерия” факультети**

5430100-“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналиши бўйича

“Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Чорвадор фермер хўжаликлари учун сутни қайта ишлаш тизимини
ишлаб чиқиш**

**Бажарди: Номозов Н. - ҚХМ факультети 4-курс 4-80 гуруҳ
талабаси**

Рахбар: доц. Алижанов Д.

**“Қишлоқ хўжалик
машиналари” кафедраси**

мудири, доцент

Б.Худаяров _____

« _____ » _____ 2016й.

“Агроинженерия” факультети

декани, доцент

Э. Фарманов _____

« _____ » _____ 2016й.

Тошкент - 2016

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Агроинженерия факултети

Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси

Йўналиш: 5430100 - Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ҚХМ каф. мудири, доцент

_____ Худаяров Б.М.

“ _____ ” _____ 2016йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____
(Ф.И.Ш.)

1. Ишнинг мавзуси:

Ректорнинг «__» _____ 2016 йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. График қисми материаллари рўйхати:

6. Маслаҳатчиар: Бўлимлар	Маслаҳатчиларни нг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ қабул қилинди

7. Ишни бажариш режаси:

[illegible]

Битирув иши раҳбари _____

Топшириқни бажаришга олдим _____

« » 2016 йил

МУНДАРИЖА

1.КИРИШ.....	7
2. УМУМИЙ ҚИСМ.....	9
2.1. Сутларга бирламчи ишлов бериш технологик жараёни.....	9
2.2. Сутларга бирламчи ишлов бериш машина ва жиҳозлари тахлили.....	10
2.3. Сутни қайта ишлаш технологияси ва қўлланиладиган қурилмалар тахлили.....	21
2.4. Битирув малакавий иши мавзусини танлаш.....	26
3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.....	27
3.1. Сут соғиш технологик тизимини ҳисоблаш.....	27
4. КОНСТРУКТИВ ҚИСМ.....	30
4.1 Кичик хажмли, электр қиздиргичли мини қўйилтирилган сут тайёрлаш қурилмасининг тузилиши ва ишлаш принципи.....	30
4.2. Бажариладигин ишлар бўйича жиҳозлар танлаш ва ҳисоблаш.....	32
5. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ.....	38
6. АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ	41
7. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	44
ХУЛОСА.....	52
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	53
ИЛОВАЛАР.....	57

1. КИРИШ

И.А.Каримов ўз асарида глобал молиявий инқироз ортиқча ликвидлилик ва юқори даражада интеграллашган халқаро молия тизимининг натижасида юзага келди ва жаҳон иқтисодиётини рецессияга учрашига олиб келди. Аввалги молиявий инқирозлардан олинган сабоқлар мамлакатларга инқирознинг кескин чуқурлашиб кетишини олдин олишга қаратилган тезкор чора тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берди [1].

Глобал молиявий инқирозни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бир меъёрга ўсишини таъминлаш қишлоқ хўжалигининг асосий масалаларидан биридир. Республикамизда кундан-кунга фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожланиб пахтачилик, ғаллачилик, агросаноат комплексида фан-техника тараққиёти, амалий тажрибалар ютуқларини, инновацион технологияларни жорий эта бориб, маълум даражада ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Пахта, ғалла ва қишлоқ хўжалиги бошқа экинларини етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улуши 46,5 фоизга тенг, озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Сут, гўшт ва тухум маҳсулотларида инсон организмига керакли бўлган барча ҳаёт бахш озиқ моддалари билан таъминлайди. Жун, тивит ва тери эса сифатли кийим – кечак ҳамда оёқ кийимлар тайёрлашда бебаҳо хом ашё ҳисобланади. Истеъмол қилинаётган сут ва гўшт маҳсулотларининг асосий қисми хорижий давлатлардан олиб келинмоқда. Республикамизда ҳам ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга ҳар доим эътибор берилган. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги №308, №842 ва бошқа қарорлар ҳамда “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” асарида кўрсатиб ўтилган тамойилларни амалга

ошириш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. 2011-2016 йилларга мўлжалланган Дастурларнинг бажарилиши чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш билан бир қаторда паррандачиликни ҳам ривожлантирди [2].

Бу муаммолар ечимининг асосийларидан бири, соҳага янги, илғор технологияларни тадбиқ этиш, замонавий техника воситалари билан таъминлаш, технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ва мутахассис кадрлар билан таъминлашдан иборатдир.

Хозирги кунда янги ташкил этилган фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари сони 15-100 бошни ташкил этади. Бундай фермалар учун кичик механизация воситалари зарур бўлади. Чунки Республикамизда чорвачилик машинасозлиги шаклланмаганлиги, мавжуд машиналар чет мамлакатлардан келтирилиши ва уларнинг ҳам иш унумдорлиги катта бўлиб йирик чорвачилик фермаларига мўлжалланганлиги сабабли кичик фермаларда асосий ишлар қўл меҳнати билан бажарилмоқда.

Республикамизда сут маҳсулотларига бирламчи ва қайта ишлаш машинасозлиги ривожланмаганлиги сабабли асосий сутларга бирламчи ишлов бериш жихозлари четдан келтирилмоқда. Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариладиган яхши пулат металлнинг Республикамизда ишлаб чиқарилмаслиги машиносозлик корхоналарида уларни серияда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаяпти. Металлнинг қийматининг баландлигига қарамай баъзи бир корхоналар Россия ва бошқа давлатлардан озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган пўлат материалларини олиб келиб озиқ-овқат саноати, ошхона, кафе, ресторан ва хўжалик учун айрим кичик идиш ва қурилмаларни ишлаб чиқармоқда. Шулар жумладан ИСТ “Батерфляй” корхонаси. Бундай корхоналарда серияда ишлаб чиқарилаётган катта ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар учун ишлаб чиқарилаётган қурилмаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бўлмайди. Келажакда агар металл масаласи хал этилса албатта йўлга қўйиб бўлади. Лекин ўзимизда ҳам конструкцияси содда сутларга бирламчи ишлов бериш қурилмалари бўйича ишланмалар йўқ. Шу боис мен битирув малакавий

ишимда фермер ва шахсий хўжаликлар учун ишлатилиши мумкин бўлган кичик хажмли, мини қўйилтирилган сут тайёрлаш қурилмасининг конструктив-технологик схемаси ишлаб чиқилди

2. УМУМИЙ ҚИСМ

2.1. Сутларга бирламчи ишлов бериш технологик жараёни

Сут универсал озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Сигир сутида 120 га яқин турдаги тўйимли моддалар борлиги аниқланган. Унинг таркибига сув, сут ёғи, оксиллар, сут канти, минерал моддалар ҳамда витаминлар, ферментлар ва микроэлементлар киради. Шу билан бирга сут тез бузулувчан маҳсулот ҳисобланади, чунки, у таркибига атроф муҳитдан тушадиган ҳар хил микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай муҳит ҳисобланади.


Соғиб олингандан сўнг дастлабки 2-3 соат мобайнида, антибактериал моддаларнинг активлиги ҳисобига, сутда зарарли бактерияларнинг ривожланиши тўхтаб қолади. Бу давр бактерицид фаза деб аталади. Паст ҳароратда (4-6°C) бактериялар фаолияти умуман тўхтайд.

Сутнинг бошланғич хусусиятлари ва сифатини узоқ муддатга сақлаб қолиш мақсадида унга бирламчи ишлов берилади. У қуйидаги операцияларни ўз ичига олади: сутни қабул қилиш (ҳисобга олиш), механик аралашмалардан тозалаш, совутиш, қайта ишлаш, вақтинча сақлаш, сутларни қайта ишлаш корхоналарига юбориш.

Юқорида келтирилган операцияларни бажариш учун соғиш ва сутга бирламчи ишлов бериш технологик тизимини ташкил этадиган махсус машиналар қўлланилади.

Сутларни соғиш жойларидан сутхонага транспортировка қилиш ва узатиш сут қувури (сут қувурига соғишда) орқали ёки флягаларда (челакларга соғишда) махсус аравачалар ёрдамида амалга оширилади.

Сутларни ҳисобга олиш махсус сутни зоотехник ҳисобга олиш қурилмаси ёрдамида, сутни гурухий соғишда эса махсус ҳисобга олгич, тарози ва сут ўлчагичлар ёрдамида амалга оширилади.



2.1-расм. Сутларга бирламчи ишлов бериш технологик схемаси:

1-сутни қабул қилиш баки (ванна); 2-сепаратор-сут тозалагич; 3-қўйилтирилган сүт тайёрлаш қурилмаси; 4-регенератив иссиқлик алмашгич; 5-совутгич; 6-резервуар (сүт сақлаш танки).

2.2. Сутларга бирламчи ишлов бериш машина

ва жиҳозлари таҳлили

Умумий ҳолда сутнинг соғилган пайтдаги ҳолатини сақлашда дастлабки ишлов бериш қўйидаги ишлардан иборат: тозалаш, совитиш, сақлаш, ҳисобга олиш. Баъзи ҳолларда унга қуйидаги жараёнлар ҳам ки-ритилади: пастеризациялаш, сепарациялаш, нормаллаштириш.

Қайта ишлов бериш жараёнлари сутнинг берилган хусусиятларини ўзгартиришга, яъни ичимлик сути, қаймоқ, творог, ёғ, пишлоқ ва сүт маҳсулотларини олишга мўлжалланган.

Хўжаликларда сүтга фақат дастлабки ишлов бериб қолмасдан, балки уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар, жумладан; сүт, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, ёғ ва бошқалар олинади. Бу маҳсулотларни олиш учун бажари-ладиган ишлар асосий ва ёрдамчи ишларга бўлинади. Асосий ишларни гомогенизациялаш, аралаштириш, пресшлаш, ёғ олиш ва бошқалар таш-кил қилади. Иссиқлик билан ишлов бериш (пастеризациялаш, қизитиш, совитиш). Ёрдамчи жараёнларга биокимёвий (бижғитиш, уютитиш, витаминлаш, етилтириш, кимёвий ишлов бериш ва бошқалар): механик (тозалаш, нормаллаштириш, қабул қилиш, ўлчаш,

намуна олиш, сифатини аниқлаш, ташиш, шиша идишлар ва ёғ ўлчагичларни ювиш, стеризация-лаш, маҳсулотни сақлаш ва топшириш) киради.

Фермада сут соғиш ва унга ишлов бериш кетма-кетлик билан йўлга қўйилган бўлса, бу технологик схема қўйидагича бўлиши мумкин: соғиш - тозалаш - 7°C ҳароратгача совитиш - қабул қилиш - қайдлаш - топшириш.

Ичимлик сути тайёрлаш қуйидаги технологик схемаси бўйича амалга оширилади: нордонлиги 20 гр дан юқори бўлмаган сутни қабул қилиш - сортларга ажратиш - тозалаш - ёғлилиги 3,2 ёки 2,5% бўлгунча нормаллаштириш - пастеризациялаш - совитиш - идишларга қўйиш - идишларнинг оғзини маҳкамлаш - топшириш.

Сутни тозалаш. Сутни механик қўшимчалардан тозалашнинг икки усули қўлланилади: 1). Филтрлаш йўли билан тозалаш; 2). Махсус марказдан қочма тозалагичда тозалаш.

Тозалаш усулини танлаш соғиш қурилмасининг танланган русумига боғлиқ. Жумладан, челакга соғиш қурилмалари (ДАС-2Б, АД-100) дан ташқари бошқа барча соғиш қурилмаларидаги дастлабки ишлов бериш тармоғида махсус филтрлар кўзда тутилади ва уларда сут механик қўшимчалардан тозаланади. Бунда сут, сут насосидан корпус ичига тушиб, ундаги лавсан материал орқали ўтишда ифлосликлардан тозаланади. Филтрлаш материали ҳар соғишдан кейин алмаштирилади ёки ваннада ювилади.

Сутга дастлабки ишлов бериш учун ООУ-М ва ОМ-1А тозалаш-совитгичлари қўлланилади.

Сутларни тозалаш ва совутиш. Сутларни механик аралашмалардан тозалаш учун турли дока ва фланел материалли филтрлар, ҳамда марказдан қочма тозалагичлар қўлланилади.


УДА-8А соғиш қурилмасида филтр сут насоси кронштейни тагига сут магистралига маҳкамланилади. У кувурсимон корпусдан, фланел материалли филтрлаш элементида, ҳалқа ва йўналтиргичдан тузилган. Корпус ён томонларида шлангларни улаш учун ўтказгичлар қотирилади. Алмаштирилиб турилувчи филтрловчи элемент йўналтиргичга кийгизилади ва у билан бирга

фильтр корпуси ичига қўйилади. Сут босим (ёки ҳоаво сийракланиши) ёрдамида фильтрловчи элементдан ўтиб тозаланади. Фильтрни йиғилган ифлосликлардан тозалаш учун у қисмларга ажратилади ва фильтрловчи элементлар ювилади ёки алмаштирилади.

Сут тозалагич-совутгич. Сут тозалагич-совутгич сутни шиллик модда ва механик аралашмалардан марказдан қочма усулда тозалаш, ҳамда сутчилик ферма ва комплексларида ёпиқ оқимда сутларни совутиш учун мўлжалланган. У ҳамма соғиш қурилмаларида ишлатилади.

Сут тозалагич-совутгич (2.2 -расм) юритмаси (12) билан центрифуга (3) дан, сут совутгич (7)дан, юритма асоси ва магистрал қувур ўтказгичлардан тузилган.

Центрифуга барабан, юритма механизми ва қабул қилиш-тўкиш қурилмаларидан тузилган. Юритма механизмида иккита тормоз ва иккита стопор ўрнатилган.



2.2-расм. Сут тозалагич-совутгичнинг технологик схемаси:

1-қабул қилгич; 2,6,9,11- қувур ўтказгичлар; 3- центрифуга; 4-ишчи тарелка; 5- ифлос йиғиш бўшлиғи; 7- совутгич; 8,10- совутиладиган сут ва совутиш суюқлиги каналлари; 12- червяк; 13- сутга босим берадиган диск.


Тозалагичнинг асосий ишчи органи бўлиб барабан (веретено) ҳисобланади, у вертикал валга ўрнатилади ва гайка билан маҳкамланади. У асосдан, тарелка ушлагичдан ва тарелкалар тўпламидан тузилган.

Тозалагич – совутгич ишлаганда сут айланаётган барабан тарелкалари оралиғидаги бўшлиққа узатилади. Сут таркибидаги механик аралашмалар марказдан қочма куч таъсирида ифлосликлар йиғиладиган камера бўшлиғи деворига ёпишади. Тоза сут, босим берадиган диск ва айланаётган барабан таъсирида тарелкалар оралиғидан совутгич пластинкалари оралиғидаги каналларга ҳайдалади. Сут каналларига нисбатан қўшни каналларга қарама-қарши йўналишли оқимда насос ёрдамида совуқ сув узатилади. Тозаланган ва совутилган сут идишларга узатилади, иссиқлик алмашилиши натижасида исиган сув қайтадан сув совутгич қурилмасига йўналади. Совутгич қурилмаси бўлмаган ҳолларда исиган сув оқавага оқизилади ёки бошқа мақсадларда ишлатилади.

Сут тозалагич-совутгичнинг техник тавсифи

Иш унуми, л/соат	-1100
Сутнинг ифлослиги 0,06% гача бўлса, тўхтамасдан ишлаш давомийлиги, соат	-2,5 гача
Сувнинг бошлангич ҳарорати 8-10 ⁰ С бўлганда сутнинг аппаратдан чиқишдаги ҳарорати ва сувнинг киришдаги ҳарорати оралиғида фарқ бўлиши керак	-3 ⁰ С дан кып эмас
Сув сарфининг совутиладиётган сутга нисбатан қарралиги	-3 марта
Сутнинг бошлангич ҳарорати	-36 ⁰ С гача
Электр юритманинг белгиланган қуввати, кВт	-1,5
Габарит ўлчамлари, мм	-1210x500x750
Массаси, кг	-200

Сутни совитиш. Йирик сутчилик комплексларида автоматлаштирилган пластинкали совитиш қурилмалари ишлатилади. Улар иккита иссиқлик алмашинувчи секциядан ташкил топган. Биринчисида сут совуқ сув ёрдамида дастлабки совитишни олади, иккинчисида эса айланувчи рассол ёрдамида совитилади.



2.3-расм. Оралиқ совуқ ҳайдагичли резервуар-совитгич схемаси:


1-компрессор; 2-совитиш агентининг фильтри; 3-электр двигателлари; 4-сув фильтри; 5-буғлатгич; 6-совуқлик аккумуляторининг баки; 7-микдорни кўрсаткич; 8-иссиқлик ростлагич вентили; 9-қараш ойнаси; 10-сув насоси; 11-аралаштиргич редуктори; 12-резервуар-совитгич; 13-регенератор; 14-фильтр қуритгич; 15-вентил; 16-ресивер; 17-конденсатор; 18-босим релеси; 19-босимни назорат қилиш асбоблари; h -сув сатхининг рухсат этилган тушиши ($h=150...500$ мм) (резервуарнинг ҳаво чиқариш крани билан бакдаги сув сатҳи билан)

ООУ-М автоматлаштирилган қурилма таркибига сув билан совитиш секцияси ва рассол билан совитиш секцияларининг пластинкали совит-гичлари; термометрли сут узатиш қувури; клапанли айланма қувур; бошқариш қутиси киради.

Бу русумдаги қурилмаларда ёруғлик ва овоз орқали сигналлаштириш кўзда тутилган. Улар ҳам автоматик режимда, ҳам кўлда бошқарилиши мумкин. Сут насос ёрдамида сув билан совитиш секциясига ҳайдалади ва у ерда 13°C ҳароратгача совитилади. Кейин сут рассол билан совитиш секциясига ўтади ва ҳарорати туширилади. Совитилган сут сақлаш сиғимига келиб тушади.

Ҳозирги вақтда ОМ-1А, ООУ-М ва ТОМ-2А совитгичларидан кенг фойдаланилади.

РПО-1,6, РПО-2,5 (2.3-расм), ТОМ-2А, 8М-1200, МКА-2000, АХУ-1000 лар сутларни совитиш ва сақлашга хизмат қиладиган ванналар ҳисобланади.



2.4-расм. Пастеризациялаш жараёни:

а-диаграммаси; б-ВДП русумдаги узоқ муддатли пастеризатор;

1-электр двигатели; 2-термометр; 3-редуктор; 4-аралаштиргич;

5-резервуар; 6-ташқи қоплама; 7-иссиқлик изоляцияси

Сутни пастеризациялаш. Сутдаги бактерияларни йўқотиш учун пастеризация қилинади. Бу жараён (2.4 а-рasm) номи француз микробиологи Луи Пастер шарафига қўйилган бўлиб, пастеризаторларда амалга оширилади.

Пастеризаторлар улардаги иссиқлик режими турига қўра: термик ёки совуқликли; энергия турига қўра: буғли, электрли, инфрақизил ра-диаацияли, ультрабинафша нурлагичли, юқори частотали элакли; жараёни бажариш хусусиятига қўра: узлуксиз, узлукли; конструктив хусусиятларига қўра: пластинкали, қувурли, сиқиб чиқарувчи барабанли, марказдан қочма, аралаштиргич ва қўйлаксимон сиғимли ва бошқа; секциялар сонига қўра: бир, икки, кўп секцияли ёки комбинациялашган; сутни термик пастеризациялашда қўлланиладиган режимлар турига қўра: оний, ўзқ муддатли, қисқа муддатли каби синфларга ажратилади.

Сутни ўзоқ муддатли пастеризациялаш аралаштиргичи бўлган ВДП русумидаги икки деворли ванналарда (2.4 б-рasm) олиб борилади. Бунда сут $13...68^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 30 минут ушлаб турилади.

Қисқа муддатли пастеризациялаш сутни автоматлаштирилган пластинкали совитиш-пастеризациялаш қурилмалари (ОПУ) да $72,2^{\circ}\text{C}$ ҳарорат билан 20 с мобайнида ушлаб туриш орқали амалга оширилади.

Оний пастеризациялаш махсус қурилмаларида сутни $88...90^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача қиздириш орқали олиб борилади. Бунда сиқувчи барабанли пастеризаторлардан фойдаланилади.

Ультрабинафша нурлагичлар ичига цилиндрик шаклидаги кварц лампа тор халқасимон тирқиш қолдирилиб ўрнатилган зангламас пўлатдан ясалган қувурдан иборат юпқа қатлам бўлиб, оқиб утаётган сутга кварц лампа нурларининг халқасимон тирқиш орқали таъсири остида микроблар зарарсизлантирилади.

Тебранма пастеризаторларда жараён товуш частотасининг $f=(8...10) \cdot 10^3$ Гц тебранишлари оралиғида амалга оширилади. Махсулот 1 с мобайнида ушлаб турилганида яхши натижага эришилади. Товуш частоталарининг манбаи

(генератори) сифатида магнит майдони ҳосил қилувчи элақлардан. фойдаланилади. Генератордаги ўзгарувчан магнит майдони частотасига боғлиқ ҳолда никелли ўзаклар ўз узунлигини ўзгартиради ва сутда юқори частотали тебранишлар майдони ҳосил қилади. Бу эса бактерияларнинг ўлимига сабабчи бўлади.

ОПФ-1 русумли доимий ўрнатиладиган пластинкали автоматлаштирилган пастеризациялаш-совитиш қурилмаси марказдан қочма тозалаш, юпқа қатламли пастеризациялаш ва совитишга мўлжалланган. ОПУ-3М, ОП2-У5, ОПУ-5М қурилмалари ҳам сутга ОПФ-1 каби ишлов беради.

Оний пастеризациялаш барабан типигаги сутни икки томонлама қиздириш аппаратларида буғ ёрдамида амалга оширилади. Сиқувчи барабанли буғ пастеризаторлари конструкциясининг соддалиги, арзон ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Барабаннинг юқори қисмида канотларининг борлиги сабабли сут насосига ҳожат қолмайди. Барабан туридаги пастеризаторларга ОПД-1М ва П-12 лар мисол бўлади.

Сутни сепарациялаш. Сут ёғ ва сут плазмаси аралашмасидан иборат бўлиб, унда ёғ зичлиги $0,874...0,901 \text{ г/см}^3$ оралиғида ўзгариб туради. Сепарациялаш аралашмадаги зичликлар фарқи асосланади ва уни бажаришда икки усул қўлланилиши мумкин: тиндириш — бунда зичлиги кичик бўлган ёғ плазма сатҳига қалқиб чиқади; механик усул — бунда механик таъсир натижасида сут қаймоқ ва кўк сувга ажратилади.

Тиндириш жараёни ернинг тортиш кучи майдонида, сепарациялаш эса марказга интилма тезланиш майдонида кечади.

Сут сепараторлари вазифасига кўра сут тозалагич, қаймоқажратгич, нормаллагич ва универсал сепараторларга бўлинади.

Конструктив хусусиятлари ва сут билан контакт даражасига кўра сепараторлар қўйидагича бўлинади: очик - сутни юклаш, қаймоқ ва ёғсиз сутни очик усулда олиш; ярим ёпиқ - сутни босимсиз очик ёки ёпиқ усулда юклаш, маҳсулотни босим остида олиш. (босим сепараторларида ҳосил қилинади). Сепарациялаш жараёнида сут барабан ичида ҳаво билан контактда бўлади: ёпиқ

- ҳаводан тўсилган ҳолда юклаш, барабан ичида ишлов бериш ва олиш. Сепараторларга босим остида юкланади, босим остида олинади. Босим насос ёрдамида ёпиқ қувурда ҳосил қилинади.

Юритмасининг турига қараб сепараторлар қўйидагиларга бўлинади: дастакли, электрлаштирилган, комбинациялашган (дастакли, электрлаштирилган).

Қишлоқ хужалигида очик ва ярим ёпиқ сепараторлар қўлланилади.

ЖБ-ООБ-очик типдаги сепаратор. Бу сепаратор СОМ-3-1000 нинг ўзгартирилган варианты бўлиб, узатиш механизми бўйича фарқланади.

СПМФ-2000 ярим ёпиқ типдаги сепаратор. Бу сепаратор сут комбинатларида қўлланилади. 10...40% ли қаймоқни ажратиб олади. Унуми 2000 л/соат.

ОМА-3М сепаратор-суттозалагич. Унинг автоматлаштирилган пластинкали пастеризациялаш қурилмалари комплектига киради. Унуми 5000 л/соат бўлади.


СОМ-3-1000М очик типдаги сепаратор. Бунда ёғлилиги 10...45% қаймоқ олиш мумкин. Сут ҳарорати 35...40°C, нордонлиги 22°Т. Узлуксиз иш давомийлиги бир соат, унуми 1000 л/соат, барабанининг айланишлар сони 8000 айл/мин.

Сепараторнинг иш жараёни. Сепаратор ишлаётганда, сут, қабул қилувчи идишдан доимий босимда марказий қувурга тушади, сўнг канал ва тарелкалар ўрнатилган ўзак тешиклардан сут тарелкалар пакетидаги (йиғимидаги) уч вертикал каналларга, айланаётган барабан тарелкалари орасига тақсимланади, тарелкалар оралиғидаги сут бўлақларга ажралади. Сутнинг оғир қисми бўлган плазма, четга барабан қопламаси деворлари томон ҳаракатланади.

Сутдаги ёғ шариклари марказга интилиш, тезланиш таъсирида айланиш ўқи, марказга ҳаракатланади ва сузиб чиқади.

Шундай қилиб босим таъсирида барабан тарелкалари оралиқларига келаётган сут икки оқимга (потокга) ажралади. 1. Барабан ўқи йўналган қаймоқ оқими; 2. Барабан қопламаси деворлари томон ҳаракатдаги қаймоғи олинган

сут (плазма) оқими. қаймоқлар тарелка ушлагичга сиқилади ва юқорига кўтарилиб бориб, созловчи винт тешигидан чиқади.



2.6-расм. Сепараторлар:

а)-сут тозалагич; 1-таглик; 2-резина халка; 3-тарелка ушлагич; 4-ажратгич тарелкалар пакети; 5-корпус; 6-сут чиқиш канали; 7-гайка; 8-барабанли ифлос йиғиш камераси; б)-қаймоқажраткич; 1-таглик; 2-тарелкалар пакети; 3-тарелка ушлагич; 4-пукакли камера қузури; 5-гайка; 6-ёғлиликни ростлаш винти; 7-юқори ажратгич тарелка; 8-резина махкамлаш халқаси; 9-корпус.

Ростловчи винтни бураганда оқиб чиқаётган қаймоқнинг босими ва оқиб чиқиши камаяди, қаймоқ эса енгилроқ бўлади. қаймоғи олинган сут ажратиш тарелкаларида ва барабан қопламаси оралиғидан ўтиб барабандан чиқариш канали орқали чиқарилади.

Сепаратор сут тозалагич барабанида зичлиги сут зичлигидан катта бўлган аралашмалар марказдан қочма тозалаш йўли билан бажарилади. Бу ҳолда тарелкаларда тешиклар бўлмайди, диаметрлари эса қаймоқ ажратгич тарелкалар данкичик бўлади. Ҳар бир тарелкага 4тадан планка пайвандланган.

Сут паплавокли камерадан барабан негизидаги сут трубкаси орқали ва тарелка йиғич каналлари орқали ифлосликларни йиғиш камерасига ўтади. Ифлосликларни йиғиш камерасида тозаланиш жараёни бошланади, у тарелкалар оралиғида тамомланади. Тозаланган сут тарелка йиғувчи ташқи каналлар орқали кўтарилади ва қаймоқ канали орқали барабандан чиқади.

Сепаратор технологик режимлари. Қаймоқ миқдори ва ёғилилигини созлаш созловчи винтини бураш ёрдамида амалга оширилади. Винтни ўнг томонга бураганда қаймоқ ёғлилиги ортади ва миқдори камаяди, чап томонга бранганда ёғлилиги ва миқдори кўпаяди. Сепараторни заводдан чиқаришда созловчи винтни 12% қаймоқ олишга қўяди.

Сепараторни ўрганганда қўйидагиларга эътибор бериш керак: барабан айланишининг камайиши билан сутдан ёғ ажратиш ёмонлашади; сутдан яхши ёғ ажратиш 35-45⁰С ҳароратда ва ачимлилиги 22% юқори бўлмаганда эришилади; сут ифлослиги кўтарилиши билан тарелкалар орасидаги бўшлиқ тўлади ва ёғнинг миқдори ёғи олинган сутда кўпаяди; сепаратор тўхтамасдан 2 соатдан кўп ишлаганда тарелкалар комплекти орасидаги бўшлиқ тикилиб қолади ёғ ажратиш ёмонлашади; тарелка ушлагич айлана қисми барабан асосидаги қуйилиш жойига маҳкам ўтирмаса, сут ифлосликларни йиғиш бўшлиғига ўтади ва ёғ ажратиш жараёнида қатнашмайди.

Барабан айланишининг бир текислигининг бузилиш сабаблари:

- А) маҳкамлаш гайкаси қопқоқ ва барабандаги белгигача қотирилмаган бўлса;
- Б) тарелкалар барабанга тартиб номерлари билан жойлаштирилмаса;
- В) бошқа барабанники қўйилса;
- Г) веретено бўғиз таянч тўғри йиғилмаса;
- Д) сепаратор бир сатҳда ўрнатилмаган бўлса;

Е) ҳаракатлантирувчи механизм шарикоподшибниклари ейилган бўлса;

Сепарация қилиш тугагандан сўнг қаймоқ қолдиқларини чиқариб олиш учун, сепараторни тўхтамасдан барабандан маълум миқдорда ёғи олинган сутни ўтказиш керак, ундан кейин барабанни иссиқ сув ($40-60^{\circ}\text{C}$) билан 15 минут давомида, каустик сода билан ($40-60^{\circ}\text{C}$) 30 минут давомида ва сув ($20-25^{\circ}\text{C}$) билан 20 минут давомида ювиб ташлаш керак.

2.3. Сутни қайта ишлаш технологиси ва қўлланиладиган қурилмалар тахлили

Сутларни қайта ишлаш деб, сутнинг бошланғич хусусиятларини ўзгартириб, ундан ичимлик сути, қаймоқ, қатик, сўзма, сариёғ, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари олишга айтилади.

Қатик тайёрлаш. Қатик тайёрлаш учун ёғи олинмаган ва олинган сутлардан фойдаланиш мумкин. Бунда сутни ачитувчи микроблардан ивитки (томизғи) сифатида фойдаланилади. Сифатли қатик тайёрлаш учун ивитки сифатида сутга солинган микробнинг нормал ривожланиши, шунингдек сут таркибидаги казеиннинг яхши шишиши учун оптимал ҳарорат бўлиши энг муҳим шартлардан биридир.

Қатик турлари жуда кўп бўлиб, уларнинг энг асосийлари: оддий қатик, жанубий қатик, пиширилган қатик, ацидофилин қатиғи, кефир ва бошқалар ҳисобланади.


Оддий қатик тайёрлаш учун сут $85-87^{\circ}\text{C}$ да пастерланади, $35-38^{\circ}\text{C}$ гача совутилади, сўнгра унга 5% ивитки солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Кейин $8-10^{\circ}\text{C}$ ҳароратли термостатга солинади ёки унинг атрофи иссиқ материаллар билан яхшилаб (совуқ кирмайдиган қилиб) ўраб қўйилади. Шу ҳолатда 8-10 соат сақлангач қатик қуюқлашади ҳамда истеъмол қилиш учун сифати ва хушхурлиги яхшиланади.

Сариёғ тайёрлаш. Сариёғ барча сут маҳсулотлари орасида ўзининг енгил хазм бўлиши ва юқори каллорияга эга эканлиги билан ажралиб туради. Унинг

таркибида 81-83 % - ёғ, 16 % - сув, 1% - атрофида оксил, углерод ва бошқа ҳар хил моддалар учрайди. Ширин сариёғ тайёрлаш учун ёғлилик даражаси 33-35 % бўлган қаймоқ 85-90°C ҳароратда тайёрланади ва 6-8°C гача совутилади.

Ёғ идишга солиб аралаштирилади ва 3-5 мм катталиқдаги ёғ қўймоқлари вужудга келгунга қадар 30-45 минут давомида кавлаб турилади. Ёғ қўймоқлари 3-5 марта 6-16°C ҳароратли сув билан ювилади. Тайёр бўлган маҳсулот махсус яшиқларга жойлаштирилади. Кублаб ёғ тайёрлаш учун ёғ тайёрлаш қурилмаларидан фойдаланилади. Ёғ тайёрлагичлар даврий ишлайдиган валецли ва валецсиз турларга бўлинади. Улар маълум бир сиғимли идиш бўлиб 25-40 фоиз қаймоқ билан тулдирилади ва қўлда ёки электр двигатели билан айланма ҳаракатга келтирилади.

Ёғ ишлаб чиқариш учун узлуксиз ишлайдиган ёғ тайёрлаш қурилмалари ҳам ишлатилади (7.4-расм). Бунда қаймоққа аппаратнинг кублаш цилиндрида айланма ҳаракатланаётган куракли барабан интенсив таъсир этади ва ҳосил бўлган ёғ юпқа қатламда бир неча секундда кубланади. Ёғ қўймоқлари ва сут зардоб ишлов бергичга тушади, у ерда ёғга шнекли зичлагич билан ишлов берилади. Тайёр ёғ насадкадан чиқиб идишга йиғилади. Ёғни кетма-кет ишлаб чиқариш услубида (7.5-расм) сепаратор ёғлилиги 83% бўлган қаймоқ ҳосил қилади. Сўнг қаймоқ ёғ тайёрлагичга берилади ва совутилади, натижада оддий таркибдаги ёғ ҳосил бўлади.




2.7-рasm. Узлуксиз ишлайдиган ёғ тайёрлагич:

1-қаймоқ қабул қилгич; 2-кублагич; 3-ёғга ишлов бергич; 4-ёғ чиқиши учун насадка; 5- қаймоқ узатишни ростлагич; 6-ёғ учун яшик; 7-зардоб чиқариш қувурчаси; 8-электр двигатели.

Пишлоқ тайёрлаш. Пишлоқ ишлаб чиқариш муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадбирлардан бири ҳисобланади. Унга ихтисослашган корхона, цех ёки фермалар арзон ва замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлиши талаб этилади. Ускуналар бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан, жумладан; қувур ўзатгич, иссиқлик берувчи аппарат, коагулятор, коагуляторланган массани сақловчи резервуар, зардобни ажратиб беришга мослашган сут ва коагулянтни аралаштиргич, маҳсулотни қадоқловчи аппарат ва транспортёрдан иборат. Юмшоқ пишлоқ тайёрлаш ускуналари таркибида меъёрлаштирилган сутни сақлашга, совутишга ва ҳароратини бошқаришга мослаштирилган аппарат, ҳамда коагулянт массани сақлаш ва ҳароратини бошқариш учун яна бир мослама, аппарат бўлади. Аппарат, шунингдек тўхтатиш мосламаси, ташиш транспортёри, зардоб чиқаргич, иссиқлик таъминлагич, шакл берувчи ва қадоқловчи ускуна билан жиҳозланган. У сут ва


коагулянт аралаштиргич иккита найдан ташкил топган бўлиб, унинг ички қисми коагулянт, ташқи қисми эса сут етказиб беришга мослашган.



2.8-рasm. Оқимли ёғ тайёрлаш схемаси:

1-сут тарозиси; 2-қабул қилиш ваннаси; 3- пастеризатор; 4-ёғлилиги юқори қаймоқ олиш сепаратори; 5- ёғ ҳосил қилгич; 6-транспортёр.

Сут сут соғиш блокidan қувур орқали тарозига, сўнг насос орқали сут тозалаш сепараторига келиб қуйилади. Сут совутилгач, насос ёрдамида сепараторнинг меъерлагичи орқали ўтказилади. Кейин сут совутгич (танк)га ўтади ва унда 10-14 соат давомида сақланади. Шу тарзда олинган қаймоқ савдога чиқарилади ёки сариёғ тайёрланади. Совутгичда сақланган сут етилиб, меъёрига келади ҳамда насос ёрдамида пастеризация қурилмасига ва ундан пишлок ваннасига ўтказилади. Бу ерда сут совутиш ҳароратгача сақланади. Натижада дончалар ҳосил бўлади ва улар шакл бериш аппаратида тушиб прессланади. Пресслаш ишлари $2 \pm 0,5$ соат давомида олиб борилади. Сўнггра масса уч кун давомида тузлаб сақланади ва пишлок етиштириш камерасига ўтказилиб парафинлаш ишлари олиб борилади. Тайёр холга келтирилган пишлок тайёр маҳсулот камерасида сақланади ва савдо ташкилотларига жўнатилади. Пишлок тайёрлаш жараёнида олинган сут зардобидан турли хушхур ичимликлар тайёрланади ёки корхона ва хўжаликларга сотилади.



2.9-расм. Бир зумда пастерлаш қурилмаси технологик схемаси:
 1- барабан; 2- резервуар; 3- цилиндр; 4- буғ куйнаги; 5- ҳалқа; 6- босим
 ростлагич; 7- қабул қилиш воронкаси; 8- уч юришли кран; 9- термометр;
 10- кран.

Қисқа муддатли қайта ишлаш усулида сут $71-76^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача қиздирилади ва 20-30 секунд шу ҳароратда ушлаб турилади. Шундан сўнг сут совитилади. Бундай қайта ишлаш совитиш қурилмалари ёрдамида амалга оширилади.

Бир зумда пастерлаш усулида сут $85-90^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қиздирилади ва 2-3 с давомида шу ҳароратда ушлаб турилади ва сўнгра совитилади.

Бир зумда пастерлаш қурилмасининг техник тавсифи

Иш унумдорлиги, л/соат	
сут 75°C гача қиздирилганда	
қаймоқни қайта ишлашда	
Иситиш юзаси, м^2	- 2100
Буғ ишчи босими, $\text{кг}/\text{см}^2$	- 1100
Буғ сарфи, $\text{кг}/\text{соат}$	- 1,2

сутни қиздиришда	- 127
қаймоқни қиздиришда	- 320
Барабаннинг айланиш частотаси, с ⁻¹	- 6,1
Электродвигател қуввати, кВт	- 1,7
Габарит ўлчамлари, мм	- 1160x720x1240
Массаси, кг	- 250

2.4. Битирув малакавий иши мавзусини танлаш

Юқорида кўриб чиқилиб таҳлил қилинган сутларга бирламчи ишлов бериш ва қайта ишлаш машиналари камида бир марталик соғим 1000-2000 л бўлган катта фермаларда ишлатилади, уларни 20-50 соғин сигири бўлган кичик фермер хўжаликларида ишлатиб бўлмайди. Биринчидан ишлаб чиқариш қуввати катта, энергия талаби катта, иккинчидан ҳар бир фермер хўжалиги электр энергия билан таъминлаш учун подстанция қуйиш керак бўлади. Хозирги кунда буни амалга ошириш қийинчиликларга олиб келади. Ушбу боис битирув малакавий ишимда бир ва уч фазали тоқларда ишлай оладиган мини қўйилтирилган сут тайёрлаш қурилмасини ишлаб чиқиш танланди.

3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

2. Сут соғиш технологик тизимини ҳисоблаш

Фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлаганда 30 та шартли молдан бошлайди, Ушбу сабабли биз ҳисоблашларни 30 соғин сигирга эга бўлган фермер хўжалиги мисолида олиб боамиз. 1. Соғин сигирлар - 30 бош; бир сигирдан йиллик соғим - 3000 кг; сут ёғлилиги – 3,8%; сутнинг тушиши йил давомида бир текис; соғиш (йил давомида бир текис) – икки марта (эрталаб ва кечкурун 50 фоиздан); ҳар соғиш давомийлиги - 2 соат; соғиш - челақларга.

2. Сутларги ишлов бериш технологияси: тортиш, ёғлиғини аниқлаш, филтрлаш, сепарация қилиш (20%), совутиш, сутни топшириш (80%), қаймоқ ва ёғи олинган сутни топшириш.

Аниқлаш керак:

1. Фермадаги сутларга ишлов бериш хонасига тушадиган йиллик ($Q_{\text{йил}}$) сут миқдори:

$$Q_{\text{йил}} = m \cdot M, \quad \text{кг/йил},$$

бу ерда: m – соғин сигирлар сони, бош;

M – ҳар бир сигирдан олинадиган йиллик соғим, кг.

2. Суткалик ва бир марталик максимал соғиб олиш

$$Q_{\text{сут.мах}} = \frac{Q_{\text{йил}} \cdot K}{365}, \quad \text{кг/сут},$$

$$Q_{\text{бир.мах}} = - \frac{Q_{\text{сут.мах}}}{2}, \quad \text{кг}$$

бу ерда: $K = 1,2 - 2$ – сутнинг нотекис тушиш коэффиценти.

3. Сутхонага соатлик сут тушиши.

$$Q_{\text{соат}} = \frac{Q_{\text{бир.мах}}}{T},$$

бу ерда: $T=2$ соат – бир марта соғиб олинган сутларга ишлов беришга рухсат этилган вақт.

4. Берилган маълумотлар бўйича сутхонадаги бажариладиган технологик жараён ёйма схемасини тузинг.

Ечилиши:

$$1. Q_{\text{йил}} = mM = 30 * 3000 = 90000 \text{ кг/йил.}$$


$$2. Q_{\text{сут.мах}} = \frac{Q_{\text{йил}} \cdot K}{365} = \frac{1,5 \cdot 90000}{365} = 370 \text{ кг/сут,}$$

$$Q_{\text{бир.мах}} = - \frac{Q_{\text{сут.мах}}}{2} = \frac{370}{2} = 185 \text{ кг}$$

$$3. Q_{\text{соат}} = \frac{Q_{\text{бир.мах}}}{t} = \frac{185}{2} = 92,5 \text{ кг}$$

4. Сутларга ишлов бериш технологик жараён ёйма схемасини тузиш.


Сутни қайта ишлаш технологик жараён ёйма схемаси



4. КОНСТРУКТИВ ҚИСМ

4.1. Кичик хажмли, электр қиздиргичли мини қўйилтирилган сут тайёрлаш қурилмасининг тузилиши ва ишлаш принципи

